



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Абдуқоххоров Мирзоулғбек Бахтиёр ўғли

Фарғона давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси магистранти

## ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА СОВЕТ МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

**Аннотация:** В статье рассматривается состояние системы образования в Туркестане после октябрьского переворота 1917 г., политика советского правительства, учреждение национальных школ, проделанная в связи с этим работа, организация обучения и проблемы школьной организации в архивах

**Калит сўзлар:** Народное образование, управление народное образование, краткосрочные курсы, национальная школа, частная школа-интернат, I и II степени школы, вакуфы.

Россияда 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг содир бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги кескин бурилишлар маданий ҳаётда зиддиятли, бир-бирига қарама-қарши жараёнларни вужудга келтирди. Большевиклар ҳокимияти ўзининг дастлабки кунлариданоқ ўтмиш маданиятидан фарқланувчи “янги маданият”ни яратишни мақсад қилиб қўйди.

Дастлабки даврда совет ҳокимияти мавжуд таълим тизимига бетараф муносабатда бўлди. Шунинг учун 1917/18-ўқув йили охиригача эски таълим тизими сақланиб қолган. 1918/19-ўқув йилидан бошлаб янги тизимга ўтиш учун тайёргарлик кўрила бошланган. Дастлаб янги совет миллий мактаблари учун педагогик ва таълим бошқарувчилиги ўринларига танлов ўтказилиши эълон қилинади. Танловда номзод 1) маълумоти ҳақидаги гувоҳнома; 2) педагогик тажрибаси ҳақидаги маълумотнома; 3) сиёсий партиядан ёки бошқа ташкилотдан тавсиянома, шу билан биргаликда педагогик ёки ижтимоий – сиёсий қарашлари баён этилган баённома топшириши белгиланди [10]. 1918 йил баҳорида Халқ таълими Давлат комиссиясининг қарори

билан вилоятлар кенгаши департаменти барча шаҳар ва уезд кенгашлари икки ҳафта муддатда шаҳар уезд халқ таълими кенгашлари ташкил этилиши, бу ҳақдаги қарор ва кўрсатмалар жойларга етказилиши белгиланган. Сайланган кенгашлар 15 августдан кечиктирмасдан барча ўқув юртларида ўқув персоналини ташкил этилиши белгиланади [7].

Совет таълим тизимини ташкил этишда К.Я.Успенский бошчилигидаги Маориф халқ комиссарлиги муҳим роль ўйнаган. Мазкур комиссарлик зиммасига барча мактаблар билан биргаликда диний мактабларни ҳам назорат қилиш ҳуқуқи берилди [3. 31]. Лекин жойлардаги Маориф комиссарлиги бўлимларини ташкил этиш бир вақтда бўлмаган. Масалан, Скобелевда Халқ таълими бўлими 1918 йил 15 сентябрда тузилган [12]. Андижон уезди комиссарлиги таркибида халқ таълими кенгаши 1918 йил июнь ойида тузилган. Бўлим таркибига Шевченко (комиссар ёрдамчиси), А.Степанянц, Чудаков, Мазинг, Зорин ва Бахтадзелар кирган. Шу билан бирга, вилоятнинг бошқа уездларида ҳам эски таълим бошқармаларини тугатиш ва советлар шаклидаги халқ таълими бошқармаларини тузишга қарор қилинади [13]. Туркистон Халқ таълими бошқармалари, ўлкада ўқув тизимини ташкил этишдан мақсад олдиндан мавжуд бўлган таълим тизимидан бутунлай воз кечиш, ушбу соҳани ҳам сиёсий ўзганга буриш, пролетар тизимини ўрнатиш мақсадида таълим тизимини сиёсийлаштиришдан иборат эди.

1918 йил май ойида Туркистон Халқ комиссарлари совети қуйидаги мазмунда қарор қабул қилади: “Фуқаролар Туркистон Совет Республикасидаги истаган ўқув юртига кириб ўқишлари мумкин. Бу борадаги барча тўсиқлар бекор қилинади. Ўқув юртига кириш имтиҳонлари бекор қилинади. Мактабларнинг барча турлари фуқароларнинг ҳар қандай ҳолатидан қатъий назар очикдир. Ўқув юртларига киришнинг ягона шарт бу ўқувчининг истагидир”. Қарорга кўра, қуйи ва ўрта мактабда ўқиш истагини билдирувчилар ҳақидаги маълумотларни жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмасдан Халқ маориф комиссарлигига топширишлари керак эди [1. 413]. Ўлкада 17 ёшгача бўлган болаларнинг бепул ва мажбурий таълимга жалб этилиши белгилаб қўйилди [2. 23].

Совет ҳукумати таълим тизимида эркинлик, ошкоралик каби тамойилларини илгари сурса-да, жойлардаги таълим муассасалари аҳволи ниҳоятда оғир эди. Масалан, 1918 йил 11 июль куни Скобелев уездидаги Халқ билим юртлари назоратчи – инспекторлар томонидан текширилган. Текширув натижаларига кўра, уезддаги таълим масканларида камчиликлар жуда кўп. Ушбу камчиликлар қуйидагилардан иборат: 1) таълим муассасалари етарли эмас; 2) Мактаблар биноларининг аксарияти талаб даражасида эмас; 3) Мактаб жиҳозлари жуда ёмон аҳволда, дарсликлар жуда кам, баъзи мактабларда дарсликлар деярли йўқ, кутубхоналар жуда камбағал; 4) Мактабларда меҳнат таълими (қўл меҳнати ва ҳунармандчилик) йўқ ёки жуда кам. Скобелев уездидаги мактабларни янгича шароитга мослаш учун ҳеч қандай кўрсатамлар берилмаган [21].

1918 йил май ойида 31 март тузилган йил бошида тузилган Халқ таълими кенгаши “асосан собиқ буржуа ҳукумати аъзоларидан иборат эканлиги” сабабли тарқатилиб, таълимни бошқариш Халқ маорифи комиссарлигига ўтказилади. Шундан сўнг тезлик билан янги ўқув тизимини ташкил этиш учун ҳаракатлар бошланган. Бунинг учун биринчи навбатда ўлкада мавжуд эски мактаб ва мадрасалар, уларга тегишли вақф мулклари масаласини ҳал қилиш керак эди. Жойлардаги совет ҳукумати органларида

эски усулдаги таълим масканларига оид вақф мулкларидан махрум қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Шундай қарорлардан бири 1918 йил 20 февралда Қўқон шаҳар совети томонидан қабул қилинган [15]. Шу билан биргаликда, 1918 йил октябрь ойидан ўлкадаги барча ҳудудлар маъмуриятларига қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб қилинган: 1) жойлардаги мадрасалар, улардаги мударрислар, мутаваллилар, таълим олаётган муллалар (талабалар – *М.А.*) сони; 2) Эски усули ва жаҳид мактаблари, улардаги ўқувчилар сони [14]. 1919 йил ўрталарига келганда эса ушбу ҳаракатлар натижасида Фарғона вилоятидаги мадрасалар, улардаги мутаваллилар, уларга тегишли вақфлар рўйхатга олинган. Масалан, Андижон уездида мутаваллиларга оид 100 анкета тўлдирилган, 400 та вақф мулклари рўйхатга олинган [16]. Айти пайтда 1919 йил июнь ойида Фарғона вилоятидаги бутун вақф мулклари вилоят ижроия кўмитасининг жойлардаги бўлимлари назоратига ўтказилди [17].

Совет ҳукуматининг дастлабки даврида вақф масаласини ҳал қилишга эҳтиёткорона, диққат билан ёндашилмади, вақфларга муносабат соҳасида ўз вақтида тўғри сиёсат ишлаб чиқилмади. 1919 йил 9, 10, 14 май кунлари Миллатлар халқ комиссарлигининг вақфлар бўлими мудирлари А.Фрей томонидан ишлаб чиқилган “Туркистон Республикасининг вақф мулкларини бошқариш ва идора қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида Қоида”га кўра, вақф мулклари Маориф халқ комиссарлиги таркибига ўтказилди [3. 41]. Юқоридаги мулоҳазалардан шуни кўриш мумкинки, Миллатлар халқ комиссарлиги ва унинг аъзолари ўз фаолиятларининг дастлабки кунлариданоқ вақф мулкларини давлат мулкларига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Комиссарлик раҳбарларининг фикрича, совет ҳокимиятининг қонунлари, жумладан, ер ҳақидаги декрет билан ишлаб чиқариш воситасига – ерга бўлган хусусий мулкчилик тугатилиши муносабати билан вақф ерлари ҳам давлат мулкига айлантирилиши керак эди.

Шундай қилиб, Совет ҳукуматининг зўравонлик ва тазйиқ сиёсатига қарамай, анъанавий мактаб ва мадрасалар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам халқ орасида ўз мавқеини сақлаб қолди. Большевиклар томонидан мадраса, мактаблар вақф мулкларининг ғайриқонуний тарзда талон-тарож қилиниши ҳамда уларни давлат ихтиёрига ўтказилиши маҳаллий аҳолининг кўплаб жиддий норозилигига сабаб бўлди. Ана шунинг оқибатида мусулмон руҳонийлари ва кўплаб зиёлилар ХХ асрнинг 20-йилларига келиб, мустамлакачилик тузумига қарши қаратилган ҳамда ўлкада авж олиб бораётган қуролли қаршилик ҳаракатига қўшилиб кетди.

Совет ҳукумати 1918/19-ўқув йилидан бошлаб янги типдаги мактабларни ташкил этишни йўлга қўйиш сиёсатини бошлади. Бошланғич етти йиллик мактаб икки поғонага бўлинган: 1-поғона билим юртлари (дастлабки уч синфни ўз ичига олган) ва 2-поғона билим юртлари (қолган тўрт синфни ўз ичига олган). Ўрта мактаб ҳам мавжуд бўлиб, кейинги уч синфни ўз ичига оларди. Бироқ бундай мактаблар жуда оз бўлиб, 1-поғона билим юртлари, яъни энг оддий таълим берадиган мактаблар кўплаб ташкил этилган. Уларнинг сони 1918 йилда (922 та мактаб) 1917 йилдагига нисбатан (576 та мактаб) анча ўсди [5. 342]. Бироқ ерли аҳоли аҳолининг фарзандлари учун янги совет мактабларини ташкил этиш жараёни секинлик билан борган. Дастлабки янги мактаблар совет ҳукумати ўрнатилган маъмурий марказларда очилган. Масалан, Фарғонада совет типдаги илк янги миллий мактаб 1918 йил сентябрда шаҳардаги собиқ рус-тузем мактаби базасида очилган [8].

Миллий мактаблар очилишида маҳаллий маърифатпарварлар муҳим роль ўйнаганлар. Ана шундай маърифатпарварлардан бири Т.Н.Қори Ниёзий эди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Скобелев (Фарғона) шаҳрида илк ўзбек миллий мактаби ташкил этилди. Бу бугунги кунда шаҳарда фаолият юритаётган 1-сонли умумий ўрта таълим мактаби эди. Қисқа вақт ичида мактабга 40 та ўқувчи жалб этилади. Мактабда болаларга она тили, рус тили, география ва табиёт, гимнастика дарслари ўқитилган [б. 130-132]. 1920 йил баҳоридаёқ мактаб ўқувчилари арифметика, геометриядан планиметриянинг бутун бир курсини ҳамда Шапошников ва Вальцевнинг алгебра масалалари тўпламининг биринчи қисмини муваффақият билан ишлаб чиқдилар. Бу материал, асосан, ҳозирги ўрта мактаб 7-синфининг математика дастурига тўғри келиб, ўқувчилар қисқа муддатда етти йиллик курсни муваффақият билан ўзлаштирганлар [б. 147-150].

Кейинчалик турли марказларда ҳам яни типдаги мактаблар очила бошланган. Масалан, 1918 йил декабрда Олтиариқ ва Ёрмозорда [23], 1919 йил апрель ойида Скобелев уезди Янги Чек қишлоғида, Андижон уезди Марҳамат қишлоғида [22], Асака волости Сегазин қишлоғида шундай мактаблар очилган [18].

Маҳаллий хотин-қизларни маориф масканларига жалб қилиш осон бўлмаган. Мавжуд мактабларда ва ҳунар-техника ўқув юртларида маҳаллий миллатларнинг қизлари ўқувчиларнинг 7 – 8 фоизини ташкил этарди. Қизларни мактабга жалб этишда шошма-шошарлик, урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олмаслик бир қатор мураккабликларни келтириб чиқарган. Бундай ҳолат маҳаллий аҳоли турмуш тарзи билан изоҳланган. Шунга қарамасдан 1919 йил 7 май куни Скобелев уезди Янги Чек қишлоғида қизлар мактаби очилиб, унга Биби Шарифбоева ва Тожинисо Сотиболдиевалар ўқитувчи этиб тайинланади [19].

Дастлабки даврда совет ҳукумати маҳаллий аҳоли ўртасида таълим тизимини ташкил этиш учун биринчи ва иккинчи босқичли мактабларни ташкил этиш ҳамда янги жамиятга мос равишда янги фанларни ўқитишга эътибор қаратилган. Биринчи босқич мактаблари асосан бошланғич мактаб ҳисобланиб, ушбу босқичда қуйидаги фанлар ўқитилган: 1-синфда – она тили, арифметика; 2-синфда – она тили, арифметика, табиатшунослик; 3-синфда она тили, математика, жамиятшунослик, география; 4-синфда – она тили, математика, жамиятшунослик, география, физика. Иккинчи босқичда эса: 1-синфида она тили, жамиятшунослик, математика, физика, география, табиатшунослик; 2-синфда – она тили, жамиятшунослик, математика, физика, география, табиатшунослик, зоология; 3-синфда – она тили, жамиятшунослик (унда асосан қадимги Рим, Осурия – Бобил, Пётр I гача Россия тарихи), математика (геоматерия), физика, география, табиатшунослик, зоология; 4-синфда – она тили, адабиёт, жамиятшунослик, математика (геоматерия), физика, табиатшунослик; 5-синфда – она тили, адабиёт, психология ва логика, математика, физика, химия, космография, табиатшунослик фанлари ўқитилган [11].

1918 йилдан бошлаб маҳаллий ўқитувчиларнинг ўзлари мактаблар учун дастурлар ва ўқув режаларини ишлаб чиқдилар. Дастурга ўзбек ва рус тиллари, арифметика, география, табиатшунослик, меҳнат, ашула, гимнастика фанлари киритилган эди [5. 341]. Янги иқтисодий сиёсат туфайли қишлоқ мактаблари давлат бюджетидан маҳаллий бюджетига ўтказилди. Оқибатда, қишлоқ мактабларининг аҳволи ёмонлашиб, ўқитувчиларни маош билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келди. Натижада, Туркистон қишлоқларидаги совет мактабларининг сони қисқариб, 1924



йил охирида 908 тага тушиб қолди. Таъминот масаласида шаҳар мактаблари устун даражада “имтиёз”га эга эди. Қишлоқ мактаблари эса, бундан мустасно бўлиб, асосий эътибор русийзабон аҳоли фарзандлари ўқийдиган шаҳар мактабларига қаратилди. “Харбий коммунизм” сиёсати даврида совет ҳукумати Туркистон халқ таълими соҳасига умуман эътибор берилмади. Дастлабки ўзбек совет мактаблари маблағлардан қисиб қўйилган бўлиб, уларга ўқув воситалари ва қўлланмалар етишмасди. Моддий аҳволнинг оғирлигига кўп жиҳатдан совет маҳаллий маъмурларининг ерли аҳолининг билимли бўлишига нисбатан мустамлакачилик муносабатида бўлиши таъсир қилди, бу эса 1918 – 1920 йиллар даврида рус тилидаги ўқув юртлари ва туб ерли аҳоли болалари учун мўлжалланган мактабларни маблағ билан тенг асосда таъминланмасликка олиб келди. Масалан, 1) 1919 йилда бир битта яҳудий етти йиллик мактаби учун 1 январдан 1 сентябргача 56258 рубл; 2) етти йиллик мусулмон мактаби учун 47339 рубл; 3) 2-, 3-, 4-, 5- ва 6-мусулмон мактаблари учун жами – 250102 рубль; 4) 14 та етти йиллик мусулмон мактаби очиш учун эса 430568 рубль 60 копеек ажратилган [20].

1920 йил охирига келиб, ТАССРда 280та янги типдаги совет мактаби ташкил этилган бўлиб, у 174820 ўқувчини қамраб олганди. Уларнинг аксарияти европалик аҳоли болаларини қамраб олган бўлиб, мусулмон аҳоли болалари ҳукуматнинг тазйиқига қарамасдан янги усул мактабларида таълим олишни давом эттирганлар [4. 18]. Ташкил этилган совет типдаги миллий мактабларнинг барчасида ҳам аҳвол қониқарли эмасди. Масалан, Фарғона вилояти уездларида мусулмон болалари учун ташкил этилган мактаблар бинолари чайласифат биноларда жойлашган. Айни пайтда рус болалари учун ташкил этилган мактаблар бинолари анча замонавий бўлган. Маҳаллий болалар учун болалар боғчаси, интернатлар, кутубхоналар мавжуд эмас. Мактаблар тоза ичимлик сув билан таъминланмаган. Ўқитиш сифати жуда паст. I босқич иккинчи синфида ўқувчилар биринчи синфда ўзлаштирган алифбони эсан чиқарганлар [9].

Халқ таълими соҳасида совет мактабларининг тез ўсиши ўлкада мактаб тизимининг боши берк кўчага олиб кирди. Гарчи совет ҳукумати томонидан замонавий мактаблар ташкил этилган бўлса-да, асосан рус мактабларига эътибор қаратилганлиги, миллий мактабларнинг давлат бюджетидан узилиб, маҳаллий бюджетга ўтказилганлиги, қисқа муддатли курсларда таълим олган ўқитувчиларнинг мактаблардан узоқлашуви каби иллатлар мактабларнинг кескин равишда қисқаришига олиб келди.

Октябрь давлат тўнтаришидан кейин таълим соҳасини ислоҳ қилишни асосий мақсади қилиб олган жаҳидларнинг бир қисми совет ҳукумати томонига ўтишга мажбур бўлди. Улар совет ҳукумати томонидан таълимга берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзларининг азалий мақсадларини давом эттиришга ҳаракат қилдилар. Совет ҳукумати уларнинг ёрдамидан вақтинча фойдаланган бўлса-да, кейинчалик социалистик руҳда тарбияланган педагог ва илмий ходимлар етишиб чиққанидан кейин жаҳидларнинг хизматидан воз кечилади. Жаҳид намоёндаларига нисбатан қатағон сиёсати бошланиб, бу жараён 1937 – 1938 йилларда уларнинг жисмонан батамом йўқ қилиниши билан тугади.

#### **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:**

1. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. – Москва, 1960. – 512 с.

2. Кадыров И.К. Очерки развития общеобразовательной школы советского Узбекистана. – Ташкент, 1974. – 186 с.
3. Комилов О. Ўзбекистон миллий таълими трансформацияси тарихидан (XX асрнинг 20-йиллари). – Тошкент, 2019. – 164 б.
4. Ишанходжаева З.Р. Репрессивная политика советской власти и культура Узбекистана: трагедия выживания. 1925 – 1953. – Ташкент. Tafakkur, 2011. – 288 с.
5. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Биринчи китоб. – Тошкент. O‘zbekiston. 2019. – 560 б.
6. Қори Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (эсдалик лавҳалари). – Тошкент. Фан, 1970. – 368 б.
7. ФВДА. 8-фонд. 1-рўйхат. 1-йиғма жилд. 9-варақ.
8. ФВДА. 8-фонд. 1-рўйхат. 6-йиғма жилд. 21-варақ.
9. ФВДА. 52-фонд. 1-рўйхат. 5-йиғма жилд. 99-варақ.
10. ФВДА. 83-фонд. 1-рўйхат. 2-йиғма жилд. 1-варақ.
11. ФВДА. 83-фонд. 1-рўйхат. 47-йиғма жилд. 23-24-варақлар.
12. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 4<sup>б</sup>-йиғма жилд. 212-варақ.
13. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 50-йиғма жилд. 3-варақ.
14. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 31-йиғма жилд. 1-варақ.
15. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 31-йиғма жилд. 9-варақ.
16. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 31-йиғма жилд. 22-варақ.
17. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 31-йиғма жилд. 17-варақ.
18. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 251-йиғма жилд. 118-варақ.
19. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 251-йиғма жилд. 159-варақ.
20. ФВДА. 121-фонд. 1-рўйхат. 252-йиғма жилд. 13-варақ
21. ФВДА. 229-фонд. 1-рўйхат. 3<sup>а</sup>-йиғма жилд. 20-варақ.
22. ФВДА. 435-фонд. 1-рўйхат. 133-йиғма жилд. 74-варақ.
23. ФВДА. 435-фонд. 1-рўйхат. 239-йиғма жилд. 309-варақ.